
Қидирувдаги “LASETTI L-ELEGANT/AT PLUS” топилиб, савдога қўйилмоқда.

Бюронинг Данғара тумани бўлими томонидан ФИБ 21.01.2022 йилдаги 2-1502-2103/12385-сонли қарздор С.Адан ундирувчи АТБ “Универсалбанк” Фарғона филиали фойдасига жами 117.622.022 сўм кредит қарз ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича қарздор огохлантирилган бўлсада, банк олдидаги қарзини тўламай келган.

Давлат ижрочиси томонидан 25.04.2022 йил куни гаров мулки бўлган давлат рақами бўлган «LASETTI L-ELEGANT/AT PLUS» русумли автомашинага қидиру эълон қилинган.

Фарғона вилояти ИИБ ЙҚХБнинг қидирув гуруҳи билан олиб борилган ҳамкорликда 16.07.2022 йил куни «LASETTI L-ELEGANT/AT PLUS» автомашинаси Учкўприк туманида ушланиб жарима майдончасига топширилган.

Ҳозирда хатланган мулкни савдога қўйиш чоралари кўрилмоқда.

Бюронинг Данғара туман бўлими

2022-07-26 07:54:07